

### III. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-мартида Тошкент шаҳарнинг асосий капиталини кўпайтиришга 3731,6 млрд. сўм миқдорда инвестициялар киритилиди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 130,7 фоизни ташкил қилади.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

#### Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>3731,6</b>	<b>130,7</b>	<b>100</b>
<i>шу жумладан</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>117,7</b>	<b>19,2</b>	<b>3,2</b>
бюджет маблағлари	88,1	55,2	2,4
давлат мақсадли фонд маблағлари	18,7	11,7	0,5
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари			
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	10,9	5,9	0,3
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>3613,9</b>	<b>160,1</b>	<b>96,8</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	1775,6	130,7	47,6
аҳоли маблағлари	320,1	91,6	8,6
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	132,6	69,5	3,6
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	1171,8	454,6	31,4

**2018 йил январь-мартда асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг технологик таркиби**

	<i>жами</i>	<i>давлат</i>	<i>нодавлат</i>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>3731,6</b>	<b>487,2</b>	<b>3244,4</b>
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
курулиш-монтаж ишлари	47,4	60,2	45,5
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлари	46,3	22,7	49,9
Бошқа ҳаражатлар	6,3	17,1	4,6

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2017 йил январь-мартга нисбатан машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши - 4,8 фоизга камайган.

**Чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони**  
*(2018 йил 1 апрель ҳолатига, бирликда)*

	<i>Жами рўйхатга олинганлари</i>	<i>жумладан, фаолият кўрсатаётганлари</i>	<i>Фаолият кўрсатаётганларн и жамига нисбатан, фоиз ҳисос бида</i>
<b>Тошкент шаҳар бўйича:</b>	<b>3842</b>	<b>3785</b>	<b>98,5</b>
<i>туманлар:</i>			
Бектемир	90	88	97,8
Мирзо Улуғбек	465	464	99,8
Миробод	639	634	99,2
Олмазор	202	199	98,5
Сергели	164	162	98,8
Учтепа	113	113	100
Чилонзор	463	456	98,5
Шайхонтохур	285	275	96,5
Юнусобод	487	473	97,1
Яккасарой	609	605	99,3
Яшнобод	325	316	97,2

Чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони


(бирлик)

	Рўйхатга олинганлар	2018 йил январь-мартида	
		ташkil этилган <sup>1)</sup>	тугатилган
<b>Тошкент шаҳар бўйича:</b>	<b>3842</b>	<b>249</b>	<b>68</b>
<i>туманлар:</i>			
Бектемир	90	5	0
Мирзо Улуғбек	465	31	13
Миробод	639	47	2
Олмазор	202	13	2
Сергели	164	6	2
Учтепа	113	4	0
Чилонзор	463	29	12
Шайхонтохур	285	26	4
Юнусобод	487	32	4
Яккасарой	609	37	23
Яшнобод	325	19	6

<sup>1)</sup> қайта ташkil этилганлар билан

**Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни  
иқтисодий фаолият турлари бўйича**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

**2018 й. январь-март**



## **Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**

2018 йил январь-мартида умумий майдони 131,8 минг кв.м. бўлган 483 та (2017 йил январь-мартига нисбатан 109,5 фоиз), уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 948,4 млрд. сўми ёки 25,4 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларини қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-ҳунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида 22,6 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 1,3 фоизини ташкил қилади.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 102,3 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 5,8 фоизини ташкил қилади.


**Қурилиш фаолияти.** 2018 йил январь-мартида 1631,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110,6 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 64,6 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари 18,2 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 17,2 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан, умумий ҳажмдан 74,9 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.



Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1548,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 94,9 фоизни (2017 йил январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 111,4 фоизни) ташкил қилди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимои**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)


2017 й.  
январь-март



2018 й.  
январь-март



**2018 йил январь-март ҳолатига ишга туширилган  
турар-жойлар ҳақида маълумот (бирлик)**



2018 йил январь-март ҳолатига Тошкент шаҳрида жами 483 та турар-жойлар ишга туширилди. Шундан, Юнусобод туманида 116 та (умумий ҳажмга нисбатан 24,0 фоизни) ва Сергели туманида 71 та (умумий ҳажмга нисбатан 14,7 фоизни), Олмазор туманида 64 та (умумий ҳажмга нисбатан 13,3 фоизни), Яшнобод туманида 52 та (умумий ҳажмга нисбатан 10,8 фоизни), Учтепа туманида 44 та (умумий ҳажмга нисбатан 9,1 фоизни), Яккасарой туманида 32 та (умумий ҳажмга нисбатан 6,6 фоизни) туманларда ишга туширилган турар-жойлар умумий ҳажмининг катта қисмини ташкил этади.

Тошкент шаҳрида уй-жой қурилишида 2017 йилнинг мос даврида 533 та уй-жой қурилган бўлиб, 2018 йилда 483 тани ташкил этган ҳолда, ўсиш суръати 90,6% ни ташкил қилди.